
"Обод юрт" да футбол мусобақаси давом этмоқда

Бағдод туманининг "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 41-умумий ўрта таълим мактаби ўйингоҳида ёшлар ўртасида футбол бўйича туман очиқ биринчилиги давом этмоқда. Афғонистонда ҳарбий хизмат бурчини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскарлар хотирасини ёдга олиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг бу галгиси баҳорнинг илк кунида старт олган эди.

Аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган мусобақада 16 та жамоа ғолиблик учун астойдил кураш олиб бормоқда. Эътиборлиси, қизғин ва мурасасиз кечаётган учрашувларни юзлаб мухлис кузатиб, футболчиларни қўллаб-қувватлаб турибдилар.

Маълум қилинишича, мусобақа 5 март санасига қадар давом этиб, ғолиб ва совриндорлар, шунингдек энг фаол иштирокчилар ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан муносиб рағбатлантирилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-03 17:35:28